



Тошкент хонлигининг ташкил топиши ва тугаши



Туркистоннинг энг эски шаҳарларидан бири бўлган Тошкент(Наливкин, 127 - 129-6.) Туркистондаги Бухоро ва Кўкон каби рақиб давлатларнинг ва Мўғулистон, Хитой, Жунгория билан Русиянинг яқиндан таъсирини бошдан кечирди. Бу ҳолат Тошкентнинг жугрофий жойлашиши билан боғлиқ. Тошкентнинг мустиқлиги ва бу шаҳар учун Бухоро билан Кўкон орасидаги гавголарга тўхталиб ўтирмаймиз, чунки бу алоҳида бир сабабга бориб такалади: Тошкент Дашти Кипчок ва Трансоксанияга чиқишда муҳим аҳамиятга моликдир.

Тошкент 1598 - 1723 йиллар орасида козок туркларининг, 1723 - 1747 йилларда калмоқлар ҳокимияти остида эди. Калмоқларнинг Тошкентдаги волиси, ўзбек туркларидан бўлмиш Ҳакимбек 1747 йили Тошкентнинг мустиқлигини эълон этди, лекин эски хўжайинларининг таъсиридан қутула олмади. У 1749 йили ўлдирилди. Вориси калмоқ асоратидан қутулишга муваффақ бўлди, лекин 1755 йили Хитой томонидан босиб олинди. Тошкент ҳукмдорлари бу шаҳар-давлатнинг бирлигини таъминлай олмадилар.

1780 йилга қадар шаҳар тўрт даҳасининг ҳар бири мустиқ беклар томонидан идора этилди. Фақат Шайх Хованди Тохур (халқ тилида Шайхонтавур, XIV юзйилликнинг машҳур ислом олими] ва 1780 йилда Тошкент беги Юнусхўжа Тошкентнинг тўрт даҳасига ўзининг ҳокимиятини қабул эттирди. Шундай қилиб, у Тошкентни яхлит ҳолда мустиқлигини таъминламоқчи бўлди(Куропаткин, Кашгария..., 119-6., Корнилов, 18-6; Bellew, 185-6.). Юнусхўжа идораси остида: Рустам тўра - оталик(Иванов, Очерки, 186-6.; Ф. Назаров, Записки о некоторых народах и землях средней части Азии». Москва, 1968 й, 37-6. (Назаров 1813 - 1814 йилларда Ўрусиянинг Кўкондаги элчиси эди, хотиралари 1821 йилда Петербургда нашр қилинди. В. Абдуллаев, Ўзбек адабиёти тарихи, II жилд.,

Тошкент, 1964 й., 93-бетга кўра хонлик XVIII аср ўрталарида Тибет, Кошгар ва Дашти Кипчок чегараларигача етган эди.); Бобохон тўра - ўрда кўмондони; Бошчихўжа - девонбеги эди. Юнусхўжа адолат ишларини ўз зиммасига олди(Тошкент тарихи хакида, қаранг: Barthold II (Тошкент номи остида), 1 ж., 499-502 бетлар; «Register», 994-бетда; Hayit, 23-25-бетлар.). Юнусхўжа даврида бу шаҳар-давлат тўртта бек томонидан идора этилмай, тўрт оксокол (давлат маъмури) уни бошкарди. Хукмдор 1800 йилгача Сайрам, Чимкент, Туркистон (Ясса) ва Сирдарёнингчап қирғоғида Хўжанд шаҳри чегараларига қадар бўлган ерларни забт этишга муваффақ бўлди(Barthold, II, 279-6.; Ю. А. Соколов, Ташкент, Ташкентцы! и Россия, Ташкент, 1965 й., 38-саҳифада Юнусхўжанинг 1784 йил Тошкентда тўлиқўз нуфузини ўрнатганлиги ҳақида фикр билдирган.). Бунинг натижасида Тошкентнинг давлат чегаралари Шимолда Туркистонга (Ясси); шимолий ғарбда Коратогга, Шарқда Сайрам тоғларига; Жанубда Угом дарёсига қадар кенгайди. Тошкентнинг, ҳар қандай шароитда мустақиллиги кўриқлаб келинди ва тижорат муносабатларини турли йўналишда йўлга қўйишда, айниқса, кўп ҳаракат қилинди. 1794 йилда Мухаммад Раҳимхўжа ва Азизхўжа бошчилигидаги Тошкент қарвони Омск шаҳрига борди. Айни шу йили А.С.Безносиков ва Т.С.Бурнашев раҳбарлигидаги Русия тижорат қарвони Тошкентга келди. Тошкент қарвонининг савдо-сотикдан бошқа мақсади бўлмаган. Улардан фарқли ўлароқ Русия қарвонидан Безносиков Омскдан Тошкентга қадар бўлган йўлларнинг ҳаритасини чизиши, Бурнашев ҳам йўл бўйлаб, мавжуд бўлган маъдан конларини ўрганиш каби топшириқларни рус ҳукуматидан олган эди. 1795 йилда Тошкент Бухоро амирлиги томонидан ишғол этилди. Бунга қарши 1796 йили Юнусхўжа Тошкентнинг мустақиллигини таъмин этди. Зеро, Хуросонда бўлаётган ғалаёнлар боис Бухоро Ўрдаси орқага қайтишга мажбур бўлган эди. Руслар ҳам Тошкентнинг қучайиб бораётганлигини тушуниб тургандилар. 1797 йилнинг 29 августида Ишим султони Дмитрий Тетятников бошчилигидаги рус делегацияси Тошкентга келди. 9 кишидан иборат бўлган бу элчилар Тошкентда бир йил қолиб, шаҳарни атрофлича ўрганиш имкониятига эга бўлдилар. Тошкент билан Омск орасидаги йўлларнинг ҳаритасини тайёрладилар. Руслар ҳарбий мақсадда ўз ишларини давом эттираётган бир пайтда Муллажон Охун Махсум ва Ашурали Баходир Тошкентдан элчи сифатида 9 ноябрь 1797 йили Петербургга бориб, тижорат муносабатларини ўрнатиш билан боғлиқ эзгу музокаралар бошлаб юборишди.

Тошкент хони Юнусхўжа мавқеини мустаҳкамлаб, Еттисув ўлкасига қадар ўз салтанатини кенгайтирди. Қўкон хонлиги эса Тошкентни ўз хонлигига қўшиб олишга ҳаракат қиларди. 1799 йили Хонхўжа қўмондонлигидаги Қўкон ўрдаси Тошкентга юрди. Қўкон Оксудда муҳорабани бой берди. Хонхўжа асир олинди ва 70та қўқонлик билан бирга қатл қилинди. Юнусхўжа ҳарбий қучларининг енгилмаслигига ва қўзғолон қўтарган Хўжанд беклари ёрдамида Қўқонни ҳам босиб олишига ишонар эди. Аскарлари Қўқон шаҳрининг чегараларигача етиб борди. 1 октябрь 1800 йилда Юнусхўжа Қўқон жангида енгилди. Омон қолган тошкентликлар қочишди. Юнусхўжа Қўқон сафаридан қайтгач, ўша йили вафот этди(Соколов, 94-бетга кўра, Тошкент хони Юнусхўжа хижрий 1215 (1800) йилда вафот этган. Ф. Азадаев, Ташкент во второй половине XIX века, Ташкент, 1959, 20-саҳифасига кўра 1810 йилда, Бартольдга кўра, вафот этган йили маълум эмас.).

Юнусхўжанинг ўрнига шу сулоладан бўлмиш Мухаммадхўжа ўтирди. У ҳам 1801 йили бошларида Юнусхўжанинг ўғли Султонхўжа томонидан тахтдан четлатилди. Шу йили Қўқон хонлиги билан Тошкент хонлиги орасида яна уруш бошланди. Бу урушда Тошкент

енгилди. Тошкент хони Султонхўжа асир тушди. Кўконликлар яна Юнусхўжа оиласига мансуб Хамидхўжани хон этиб тайинладилар. У хам Тошкентни Кўкон хукмронлигидан куткаришга ҳаракат килди. Хамидхўжа 1808 йилда Кўконга қарши урушга киришгунча кўконлик Олимхон Тошкентни забт этди. Тошкент Кўкон билан қайтадан уруш бошлаши керак, деган гоё ташвиқотчиси Рустамтўра оталик(Оталик туркистонлик турк хукмдорларининг шарафли унвони эди. Ҳар бир хукмдорнинг бир оталиги бўлиб, бу унвон эгалари хон, амир ёки бекдан кейинги энг катта обрў эгаси бўларди. Улар халқ орасидаги ёки шахзода ва беклар ўртасидаги адолат ишларига аралаша олганликларидан, давлат ҳаётида алоҳида ўрин тутардилар. Оталик муассасаси XIX аср ўрталарида барча Туркистон хонликларида йўқ қилинди. Бухоро амирлигида оталиклар 15-даражали ваколатга эга бўлиб, 16-даражали ваколатга фақат шахсан амиргина соҳиб ҳисобланар эди.) Бухорога қочди. Тошкентнинг мустақиллиги шу билан тугади. 1813 йили Рустам тўра оталик Бухоронинг ёрдами билан Тошкентга юриш қилган бўлса ҳам бирон-бир натижа чиқмади. Олимхон жангларда қолиб қолганига эмас, ҳатто Тошкентга тегишли бўлган бошқа ерларни ҳам Фарғонанинг мулкига қўшиб олди. Тошкент идораси учун кўконликлар бек бошчилигидаги волиларни тайин этдилар. 1835 йили Тошкент бекига «Бекларбеги» унвони берилди. Бекларбегига Сирдарёнинг қуйи оқимига қадар бўлган ерлар ва Ёттисув ўлкасининг бошқаруви ҳам топширилди. Тошкентнинг Кўкон ҳокимиятига қўшиб олинishi Бухоронинг ҳам бу шаҳарга қизиқишини орттирди. 25 йил ичида (1840 - 1865) Тошкент етти марта Бухоро ёки Кўкон хонликларига ўтди. Бухоро амирлиги билан Кўкон хонлиги орасидаги Тошкент учун қилинган жанглар «на сенга, на менга» деган аҳволга келдики, бундан Россия жуда усталик билан фойдаланди.

Др.Боймирза Хайитнинг

"Туркистон Россия ва Хитой оралигида" китобидан